

Therefore, the loyalty of the taxpayer, i.e. a legal entity of a certain administrative-economic territory, its desire to make tax payments to the budget of this economic territory.

2. The external greater stability of income tax receipts is violated by the low quality of tax control on the part of taxpayers of this tax for the completeness of its payment. Therefore, the practice of income tax evasion should not be allowed to spread and the taxpayers of this tax should not be allowed to manipulate its amount and place of payment.

3. Each taxpayer needs to introduce modified approaches to the system of providing tax benefits for income tax, they should not be received by

enterprises that carry out efficient activities. Otherwise, income tax breaks should not encourage dependency among businesses.

4. In the conditions of innovative development of the economy, the attention of the enterprise, as a payer of income tax, should be drawn to the intended use of tax benefits. It is these benefits that should contribute to the reconstruction of production, the introduction of innovative technologies, and the greater use of leasing technologies.

Prevent income tax evasion from becoming widespread. To prevent the use of profits in the shadow economy. It follows from this that a large tax payment to budget revenues at all levels should continue to be, we believe, income tax.

References:

1. Данченко М.А. *Налогообложение. Учеб.пос. – Томск: ТГУ, 2015. – С. 78.*
2. Ильин А.Ю. *Налог на прибыль организаций: актуальные вопросы налогообложения. – М.: Проспект, 2021. – с. 4.*
3. Li B., Liu C., Sun S. T. *Do corporate income tax cuts decrease labor share? Regression discontinuity evidence from China //Journal of Development Economics. – 2021. – Т. 150. – p. 1.*
4. Block J. *Corporate income taxes and entrepreneurship //IZA World of Labor. – 2021.*
5. Ниязметов И. М. *Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт: Монография //Тошкент: «Молия. – 2016. – Т. 17.*
6. Zaripov K.B. *Trends in the Development of the Tax System of the Republic of Uzbekistan //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2022. – Т. 6. – С. 327-332.*
7. Abdullaev D. *Фойда солиғининг миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига таъсирини таҳлили //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2020. – №. 2. – С. 188-195.*
8. *Tax Code of the Republic of Uzbekistan. National database of legal documents, December 31, 2019, No. 02/19/SK/4256; 03.11.2020, No. 20.03.607/0279.*
9. Šinkūnienė K. *Taxation principles in tax culture: theoretical and practical aspects //Organizacijų vadyba: sisteminiai tyrimai. – 2005. – №. 35. – p. 178.*
10. Smith, Adam. *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. Edited by S. M. Soares. MetaLibri Digital. Library, 29th May 2007. pp. 349*



СОЛИҚ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a44

Исмамов Холбута Бегматович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Мазкур мақолада республикада янги тараққиёт стратегиясида солиқ-бюджет тизимини самарадорлигини таъминлаш масаласи ёритилган. Ҳар қайси мамлакатнинг иқтисодий сиёсатида солиқ сиёсати ўта муҳим аамиятга эга. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа иқтисодий сиёсатининг йўналишларига кучли узвий боғлиқлиги билан бир қаторда, уларга таъсир қилиб боради. Солиқ сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг стратегик ҳамда тактик йўналишларини белгилаб олиш ўта долзарб ва мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур мақолада солиқ сиёсатининг мазмуни, унинг стратегияси ва тактикаси ҳамда бугунги кунда Ўзбекистон солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ муносаглари, иқтисодий сиёсат, солиқ сиёсати, солиқ сиёсати стратегияси, солиқ сиёсати тактикаси, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, солиқ сиёсати йўналишлари, давлат бюджети, марказлаштирилган пул фондлари, солиқ маъмурчилиги, солиқ юки.

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ РЕАЛИЗАЦИИ СТРАТЕГИИ НАЛОГОВОЙ ПОЛИТИКИ

Исматов Холбута Бегматович -
Независимый исследователь
Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной статье речь идет об обеспечении эффективности налогово-бюджетной системы в новой стратегии развития нашей республики. Налоговая политика играет очень важную роль в экономической политике любой страны. Налоговая политика тесно связана с другими видами экономической политики государства и оказывает на них влияние. Правильная разработка налоговой политики и определение ее стратегических и тактических направлений – очень актуальный и сложный процесс. В данной статье анализируется содержание налоговой политики, ее стратегия и тактика, а также приоритетные направления налоговой политики Узбекистана на сегодняшний день.

Ключевые слова: налог, налоговые отношения, экономическая политика, налоговая политика, стратегия налоговой политики, тактика налоговой политики, налоговая ставка, налоговые льготы, направления налоговой политики, государственный бюджет, централизованные денежные фонды, налоговое администрирование, налоговое бремя.

WAYS TO IMPROVE MECHANISMS FOR TAX POLICY STRATEGY IMPLEMENTATION

Ismatov Kholbuta Begmatovich -
Independent researcher
of Tashkent State University of Economics

Annotation. This article deals with ensuring the effectiveness of the fiscal system in the new development strategy of our republic. Tax policy plays a very important role in the economic policy of any country. Tax policy is closely connected with other types of economic policy of the state and influences them. The correct development of tax policy and the definition of its strategic and tactical directions is a very relevant and complex process. This article analyzes the content of the tax policy, its strategy and tactics, as well as the priority areas of the tax policy of Uzbekistan today.

Key words: tax, tax relations, economic policy, tax policy, tax policy strategy, tax policy tactics, tax rate, tax incentives, tax policy directions, state budget, centralized funds, tax administration, tax burden.

Кириш. Давлатнинг ички молиявий сиёсатининг мазмунида марказлашган пул фондларини шакллантириш ва уларни тақсимлаш билан муносабатлар асосий роль ўйнайди. Бу эса, давлатнинг иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ сиёсати билан боғлиқдир. Солиқ сиёсати давлатнинг бошқа иқтисодий сиёсатининг йўналишларига кучли узвий боғлиқлиги билан бир қаторда, уларга таъсир қилиб боради. Солиқ сиёсатини тўғри ишлаб чиқиш ва унинг стратегик ҳамда тактик йўналишларини белгилаб олиш ўта долзарб ва мураккаб жараён ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги баҳолаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унинг йўналишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Солиқ тизимдаги солиқ сиёсати, шунингдек, давлатнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар узоқ тарихга бориб тақалади. Бу жараён борасида кўплаб олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, Т.Г.Нестеренконинг илмий хулосалари бюджет сиёсатининг муҳим жиҳат-

ларини очи беришга хизмат қилади. Давлатнинг бюджет сиёсати – марказий ва маҳаллий давлат органларининг стратегия ва тактикаларини ўзида акс эттириб, давлат функцияларини ижросини таъминлашда молиявий ресурсларни жамлаш ва уларни самарали тақсимлаш орқали бюджет барқарорлигини таъминлаш устуворлигини ифода этади, деб таъкидлаб ўтади. бу эса, биринчидан ресурсларни умумиқисда тақсимлаш, иккинчидан давлат, хўжалик субъектлари ва аҳолининг манфаатларини уларнинг молиявий муносабатлари орқали таъминлаш, учинчидан бюджет тузилиши, миқёси ва муносабатларини янада такомиллаштиришни ўзида акс эттиради [1].

В.Г.Пансков томонидан берилган таъриф: Солиқ сиёсати солиқни шакллантиришга қаратилган давлатнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий чоралари мажмуидир давлатнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш учун мамлакат тизими, жамиятнинг айрим ижтимоий гуруҳлари ва орқали ҳам мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш молиявий ресурсларни қайта тақсимлашдир деб фикр билдирган [2].

М.В. Карп қуйидагиларни таклиф қилади: Солиқ сиёсати умумий молиянинг ажралмас қисмидир, оммавий ахборот воситалари учун давлат

сиёсати ва узоқ муддатли ва солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, шунингдек солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади [3].

В.Н. Едророва ва Н.Н. Мамикина фикрича, “Солиқ сиёсати” атамасининг таърифига қуйидагича ёндашиш: “солиқ субъектининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлари мажмуи, солиқ сиёсатига муносабат...” [4].

С.И.Юрий ва Ж. М. Бескидининг фикрларига кўра, “Солиқ сиёсати” тоифаси турлича “фаолият” деб тавсифланади, уни ташкил этиш соҳасида давлат, ҳуқуқий тартибга солиш ва пул маблағларининг марказлаштирилган фондларига солиқлар ва солиқ тўловларини йиғишни ташкил этиш” талқин қилинади [5].

В.П.Орешин қуйидаги таърифни таклиф қилади: “Давлатнинг солиқ сиёсати иқтисодий сиёсат, иқтисодиётга таъсир воситаси сифатида фойдаланилади. Солиққа тортишнинг асосий воситаси сифатида сиёсатчилар қуйидагилардир: такрор ишлаб чиқариш агентларини солиққа тортиш тартиби, алоҳида солиқ тўловчилар учун солиқ ставкалари даражаси, аҳолининг айрим гуруҳлари учун солиқ имтиёзлари, давлат кредитларини олиш учун солиқларни кечиктириш ва бошқалар [6].

Тадқиқот методологияси. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг давлат молия тизимининг долзарб масалаларидан бири сифатида солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг стратегик ва тактик йўналишлари билан боғлиқ илмий тадқиқот усулларида кенг фойдаланиб таҳлил қилинган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Республикада солиқ маъмурчилиги механизмлари самарадорлигини ошириш, солиқ мажбуриятини мустақил равишда бажариш учун қулай шароит яратишни назарда тутувчи солиқ соҳасини ислоҳ қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу жиҳатдан, мақсадга эришиш эса маълум бир чора-тадбирлар ва фаолиятнинг уйғунлашувини талаб қилади. Давлатнинг бундай фаолиятининг солиқларга оид қисми эса, ўз навбатида, солиқ сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Солиқ сиёсатининг ўзаги эса таъкидланганмиздек, тақсимот муносабатларига бориб тақалади. Миллий даромадни тақсимлаш, унинг учун мажбурий тўловлар воситаларини (солиқларни) жорий этиш, уни ундириш ва бу жараённинг боришини тартибга солиб туриш ҳамда уни доим такомиллаштириб бориш каби муносабатларни тақозо этади.

Қуйидагиларни солиқ органлари фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилаш мақсадга мувофиқ:

биринчи йўналишда – солиқ органларида мижозларга йўналтирилган хизмат кўрсатиш усуллари жорий этиш, уларнинг фаолиятига кўмаклашиш, шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажаришнинг қулай, тушунарли ва осон механизмларини яратиш ҳамда ҳалол солиқ тўловчилар сонини кўпайтиришга кўмаклашиш;

иккинчи йўналишда – эскирган самарасиз воситалардан воз кечиш орқали солиқ маъмурчилиги усулларида самарадорлигини ошириш, бизнес-жараёнларни оптималлаштириш ҳамда автоматлаштириш;

учинчи йўналишда – рақобат муҳитини ривожлантириш ва бизнес юритишда шароитлар яратиш, тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий харажатларини қисқартириш, яратилган имкониятларни суиистеъмол қилишга ёрдам берадиган омилларни бартараф этиш ҳамда солиқ солишдан қочиш схемаларидан фойдаланишни тезкор аниқлаш, шунингдек, хуфёна фаолиятни амалга оширишни рағбатлантирувчи сабабларни бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

тўртинчи йўналишда – солиқ органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича аниқ мақсадли вазифаларни амалга оширишни давом эттириш орқали “инсон омили”ни бартараф этиш, автоматлаштирилган маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш технологияларини жорий этиш;

бешинчи йўналишда – кадрлар таркибини, солиқ органларини мансаб кўтарилиши учун шаффоф шартлар яратиш, коррупцияга қарши комплаенс-назоратни кучайтириш ҳамда солиқ органлар ходимларни малакасини ошириш орқали меҳнат шароитларини яратиш орқали мустаҳкамлаш.

Бугунги кунга қадар солиқ маъмурчилигининг ҳозирги ҳолати ва эришилган натижаларни таҳлил қилиб чиқсак. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси доирасида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Стратегик ҳаракатлар режаси доирасида қуйидаги йўналишларда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

-хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш;

-давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш;

-солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфёна айланма даражасини қисқартириш;

-солиқ таваккалчиликларини баҳолаш тизимини жорий қилиш ва солиқ ҳисобини такомиллаштириш;

-давлат солиқ хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш механизмларини ривожлантириш.

Стратегик ҳаракатлар режасининг йўналишлари доирасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилганлигини кўрамыз.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ хизматларини ривожлантириш йўналиши бўйича эса:

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди, шунингдек, мустақил рўйхатдан ўтиш ва солиқларни тўлаш, юридик шахснинг улуши бўйича қўйилган таъқиқлар ҳақидаги маълумотномаларни олиш, якка тартибдаги тадбиркор мақомини текшириш ва бошқа имкониятлар яратилди;

солиқ солиш мақсадида ер ва кўчмас мулкнинг кадастр ҳисоби ва қийматини баҳолаш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш ишлари амалга ошириш учун кадастр ва солиқ органлари маълумотлар базалари интеграция қилинди;

тадбиркорлик учун тенг шароит муҳитини таъминлаш мақсадида қўлланиш соҳалари ва фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда айланмадан олинadиган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби такомиллаштирилди;

солиқ тўловчилар аниқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб (тўлиқ маслаҳат бериш, буюртманомалар, ариза ва шикоятлар қабул қилиш), “call-центр” функцияларини кенгайтириш орқали солиқ тўловчиларга хизматлар кўрсатиш тартиби жорий этилди.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини қисқартириш йўналиши бўйича эса:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сон фармони билан солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва хуфиёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича асосий йўналишлар тасдиқланди. Бунда:

тадбиркорлик субъектларига тенг фискал шароит ва рақобат муҳитини таъминлаш учун қўллаш соҳалари ва фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қайта кўриб чиқилди;

юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида рўйхатдан ўтиш тартиби ишлаб чиқилди ҳамда такомиллаштирилди;

солиқ тўловчиларга кейинчалик соддалаштирилган “яшил йўлак” тартибда хизмат кўрсатиш мақсадида солиқ таваккалчиликларини баҳолаш ва инсофлилик мезонлари асосида сегментлаш тизими жорий этилди;

шахслар ўртасидаги битимлар бўйича трансферт нархлар белгиланиши, шу жумладан бундай шахслар бўйича мезонларни белгилашни назарда тутувчи солиқ назорати механизми жорий этилди;

солиқ ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларидаги тафовутларни қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилди ва улар халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мослаштирилмоқда;

айрим турдаги маҳсулотларни маркировка қилишнинг ягона тизими ва солиқ органлари томонидан маҳсулотни ҳисобга олишнинг электрон базаси яратилди;

худудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг солиқ имкониятларини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилди ҳамда жорий этилди, солиқ тушумларини худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича прогноз қилиш учун кўрсаткичлар ва маълумотлар манбалари шакллантирилди;

иқтисодиётда хуфиёна айланма даражасини камайтириш бўйича “яширин иқтисодиёт” кўламини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари белгиланди, идоралараро ҳамкорлик тизими, кўриладиган чоралар самарадорлигини баҳолаш тизими жорий қилинди, шунингдек, иқтисодий фаолиятни легаллаштиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар амалга оширилди;

солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ва хуфиёна фаолият амалга ошириш фактларини аниқлашда ёрдам берган шахсларни моддий рағбатлантириш тартиби белгиланди;

солиқ солиш мақсадида фаолиятни қонунийлаштиришни рағбатлантириш, ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар мезонлари ва тоифаларини аниқлаш бўйича илғор хорижий тажриба асосида таклифлар ишлаб чиқилди;

электрон платформалар, интернет-дўконлар ва ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириладиган электрон тижорат фаолиятини қонунийлаштириш ва назорат қилиш механизмининг жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланди;

Давлат божхона кўмитаси, Марказий банк ва Давлат солиқ кўмитасининг маълумотлар базалари интеграциялаштирилди, “E-ombor” товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизими жорий этилди ва импорт қилинган товарлар ҳисоботларининг электрон тарзда шаклланишини таъминлаш орқали импорт операцияларини мониторинг қилиш тизими такомиллаштирилди. Солиқ таваккалчиликларини баҳолаш ва замонавий мониторинг қилиш тизимини яратиш йўналиши бўйича:

солиқ таваккалчиликларини тизимли бошқариш механизми жорий этилди;

солиқ таваккалчиликларини бошқариш, солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларни аниқлаш, шунингдек солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби белгиланди;

таваккалчиликларни, шу жумладан ҚҚС тўловчиларини таҳлил қилиш ва бошқариш тизими асосида солиқ назоратининг масофавий (узоқдан) усуллари (солиқ тўловчиларни сегментлаш асосида) такомиллаштирилди;

солиқ тўловчилар фаолиятини солиқ назоратини амалга ошириш бўйича давлат солиқ хизмати органлари томонидан видеотасвирга олиш тартиби тасдиқланди;

илғор халқаро тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, идентификация карточкалари тизимига (ID карталарига) шахсий идентификация рақами тизимини босқичма-босқич интеграциялаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Давлат солиқ хизмати органларида коррупциянинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш йўналиши бўйича:

коррупциянинг олдини олиш тизимини ривожлантириш, ходимларнинг ҳалоллигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва ишга қабул қилиш шартларини, шунингдек, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда кадрлар сиёсати такомиллаштирилди;

моддий ва номоддий рағбатлантириш, хизматда ўсиш, билимини ошириш, соғлиғини тиклаш, дам олиш ва бошқа йўналишларни яхшилашни назарда тутувчи меҳнат қилиш шароитларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди;

фаолиятнинг очиқлиги таъминланди, фуқаролар билан бевосита мулоқот кучайтирилди ва солиқ органларининг ижобий имиджи шакллантирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил якунига кўра солиқ органлари ходимлари сонини 10 % га оптималлаштириш, солиқ тушумларини эса 124 % га, 2021 йил якуни билан 123,4%га ошириш имкониятига эришилди. Жорий йилнинг 9 ой якуни билан ҳудудларда солиқ тушумлари 134%га ўсди. Айланмадан олинган солиқдан (АОС) тушумлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 149 фоизга, ҚҚС 132 фоизга ўсди. Ушбу занжир реакцияси бевосита фойда солиғи базасининг ошишига омил бўлиб, фойда солиғи тушумлари (Навоий

ва Олмалик КМКларидан ташқари) 154 фоизга ошди [8].

Бундан ташқари, замонавий ахборот хизматларининг яратилиши, “Солиқ хизмати – солиқ тўловчига кўмакчи” тамойилини амалга ошириш доирасида солиқ ҳисоботи шакллари-нинг соддалаштирилиши ва бошқа чора-тадбирлар натижасида қисқа вақт ичида мажбуриятларни ихтиёрий бажариш даражасини 96 % га, шунингдек, ҳар ойлик прогноз кўрсаткичларини 25-санага қадар бажарилишини таъминлаш имконини берди.

Хулоса ва таклифлар:

1. Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти натижалари билан солиқ базасининг кенгайиши, тўлов интизомининг мустаҳкамланиши, солиқ тўлови маданиятининг шаклланиши ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларнинг натижадорлиги бўйича кенг жамоатчилик билан очиқ мулоқатларнинг янги босқичига чиқариш, хусусан, солиқ органларининг махсус Ахборот таҳлилий портални (tahlil.soliq.uz) ишга тушириш;

Унда ҳар бир солиқ тури ва ҳудудлар бўйича солиқ тушумлари, солиқ тўловчиларнинг сони, асосий солиқ ставкалари, янги очилган юридик шахслар сони, солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражаси, ҚҚС манфий суммаларини қоплаб берилиши, ҚҚС занжири узилиши коэффициенти, солиқ юки, топширилган ҳисоботлар бўйича ўртача иш ҳақи миқдори, тадбиркорлик субъектларининг фойдаси, жамоатчилик назорати кўрсаткичлари, онлайн НКМ чеклари суммаси, электрон ҳисобварақ-фактуралари айланмаси динамикаси, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши каби маълумотлар экспертлар, таҳлилчилар ва кенг жамоатчилик фойдаланиши назарда тутилиши зарур.

2. Тадбиркорлик субъектларини келгуси юзага келиши мумкин жавобгарликлардан сақлаш ва узликсиз фаолият кўрсатишларига кўмаклашиш, харажатларини оптималлаштириш мақсадида, 67%дан ортиқ кичик бизнес вакилларидан бухгалтерия хизмати йўқлиги муносабати билан солиқларни ҳисоблаб бериш функциясини 2023 йилдан босқичма-босқич солиқ хизмати органларига юклаш;

3. Тадбиркорлик субъектларига мажбуриятини бажаришда қулайликлар яратишни тизимли давом эттирган ҳолда тўланадиган барча солиқлар учун ягона ҳисобварағи очиш (Европа ва Россия тажрибаси) мақсадга мувофиқ бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нестеренко Т.Г. (2006) Концепция эффективной бюджетной политики: автореферат к.э.н. – М.: Финансовой академии при Правительстве Российской Федерации, 32 с.
2. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: Учебник для вузов. – 7-е изд., доп. и перераб. – М.: МЦФЭР, 2006. – 592 с.
3. Карп М.В. Налоговый менеджмент: Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 477 с.

4. Едронова В.Н., Мамыкина Н.Н. Сущность и элементы налоговой политики. // Финансы и кредит. – 2005. – №5. – с. 37-40.
5. Юрій С. І. Бюджетна системи України: Навч. посіб. / С. І. Юрій, Й. М. Бескид.– К.: НІОС, 2000.– С. 46.
6. Орешин В. П. Государственное регулирование национальной экономики (в вопросах и ответах): Учебн. пособ. – М.: ИНФРА-М, 2001.– 124 с.
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи 2020.- 640 б.
8. Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси маълумотлари. www.soliq.uz.
9. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Iqtisodiyot va Innovatsion Texnologiyalar*, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
10. Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. *Экономика и образование*, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
11. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилдан фойдаланишни такомиллаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
12. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
13. Isaev F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. *Iqtisodiyot va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 294–301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
14. Исаев Ф.И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. – 2021.
15. Isaev F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
16. Исаев Ф. (2022). Солиқ таҳлилининг ўрганиш зарурати. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
17. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
18. Исаев, Ф. (2022). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ. *Iqtisodiyot Va ta'lim*, 23(5), 171–176. Retrieved from <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/742>
19. Isaev F. I. Tax Accounting: Theory and Practice //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2022. – Т. 9. – №. 12. – С. 30-38.
20. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Concept of economic analysis and its structural components." *International Journal of Marketing and Technology* 7.12 (2017): 1-13.
21. Ikromovich, Isayev Fakhridin. "Analysis of the profit tax and its improvement." *International Journal of Research in Social Sciences* 7.12 (2017): 74-85.



DAROMAD KELTIRUVCHI KO'CHMAS MULK OBYEKTLARI QIYMATINI ANIQLASH METODOLOGIYASI

Qosimova Sayyora Karimjon qizi -
Toshkent moliya instituti
Byudjet hisobi va g'aznachilik fakulteti
Baholash ishi va investitsiyalar kafedrasini
katta o'qituvchisi

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a45

Аннотация. Ushbu maqolada ko'chmas mulkni baholashning turli uslubiy yondashuvlari ko'rib chiqiladi, chunki faqat turli xil yondashuvlardan foydalangan holda bir vaqtning o'zida baholash mulkning real qiymatini aniqlashga imkon beradi.

Калит со'злар: ko'chmas mulkni baholash, xarajatlar yondashuvi, baholash usullari, qiyosiy yondashuv, daromad potentsiali.

МЕТОДОЛОГИЯ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТОИМОСТИ ОБЪЕКТОВ НЕДВИЖИМОСТИ, ПРИНОСЯЩЕЙ ДОХОД

Касимова Сайёра Каримжон кизи -
Ташкентский финансовый институт,
старший преподаватель кафедры
«Оценочное дело и инвестиции»

Аннотация: В данной статье рассматриваются различные методологические подходы к оценке недвижимого имущества, поскольку только одновременная оценка с использованием различных подходов дает возможность определить реальную стоимость имущества.

Ключевые слова: оценка недвижимости, затратный подход, методы оценки, сравнительный подход, доходный потенциал.